

ИЖТИМОЙ СОҲАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Рахмонов Дилшоджон Алиджонович,
и.ф.н. ТДИУ мустақил изланувчиси
Email: dilshodjon.rakhmonov@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда ижтимоий соҳани бюджетдан молиялаштиришда унинг иқтисодий ўсишга таъсири тадқиқ этилган. Жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига қилинаётган бюджет харажатларининг ЯИМ ҳажмининг ўзгаришига таъсири баҳоланган. Шу билан бирга, асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг таъсири билан ўзаро қиёсий таҳлил қилинган ва хулосалар шакллантирилган.

Аннотация: Настоящая работа направлена на изучение влияния государственного финансирования социальной сферы на экономический рост. Включая оценку влияния бюджетных ассигнований на образование, здравоохранение на тенденции ВВП. Следовательно, оценка была сопоставлена с влиянием инвестиций на тенденции ВВП.

Abstract: This paper aims to investigate the impact of government financing social sphere on economic growth. Including assessed of influence budget expanses on education, health care to trends of GDP. Hence, the assessment was compared with impact of investments on GDP trends.

Калим сўзлар: ижтимоий соҳа, таълим, соғлиқни сақлаш, инсон капитали, иқтисодий ўсиш.

Кириш

XX - асрнинг ривожланиши техника тараққиётига асосланганлиги кўп манбалардан маълум. Шу боисдан, бизнинг асримизда ривожланишнинг жорий босқичини шаклланишига янги шароитлар ва назариялар юзага келмоқда. Жумладан, XXI асрда “билим иқтисодиёти” тамойили асосида мамлакатлар ўз иқтисодий ўсишларига катта эътибор беришлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шундай экан, иқтисодий ўсишни барқарорлигини таъминлашда кейинги йилларда техника тараққиёти ва молиявий капиталларнинг ўрни бекиёс эканлиги таъкидлаб келинган бўлса-да, айти пайтда олимлар миллий иқтисодиётнинг ривожланиши кўп жиҳатдан инсон капитали билан чамбарчас боғлиқ эканлиги маълум бўлиб бормоқда. Бу борада, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, экология ва даромадларнинг тақсимланиши каби омиллар муҳим роль ўйнамоқда.

Ўз-ўзидан маълум, мазкур соҳаларни ривожлантиришда уларнинг фаолиятини молиявий таъминлаш ҳамда уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар билимларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда, мазкур масаланинг аҳамиятини мамлакатимизнинг Биринчи Президенти томонидан таъкидланган “Энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп ўзини оқлайдиган сармоя – бу инсон капиталига йўналтирилган сармоядир”[1] – деган сўзлари орқали ҳам ифодалашимиз мумкин.

Р.Э. Лукас ўз тадқиқотларига кўра, инсон капитали иқтисодий ўсишнинг “мотор”и деган хулосага келади[2]. БМТ томонидан ишлаб чиқилган “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари”да ҳам ва “Барқарор Ривожланиш” мақсадларида ҳам тиббий хизмат ҳамда таълим тизимининг ривожланишига алоҳида эътибор берилишининг ҳам ўзига хос аҳамияти мавжуд.

Хусусан, 2015 йил сентябрь ойида БМТ Ассемблеясининг 70-сессиясида Ўзбекистон томонидан тақдим этилган маърузада инсон тараққиётини ривожлантиришга доир мақсадларини кўрсатиб ўтди. Унга кўра, “Ўзбекистон учун 2030 йилга бориб аҳоли даромади жаҳондаги ўртача даромаддан юқори бўлган давлатлар қаторига киришдир. Асосий эътибор қишлоқ аҳолиси яшаш шароитини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқни камайтиришга қаратилади”. Албатта, Ўзбекистоннинг ривожланишида инсон капиталига яратилган шароитлар натижасида инсон тараққиётининг ривожлантирилиши долзарблик касб этади.

UNCTAD (БМТ Савдо ва Ривожланиш Конференцияси) маълумотларига кўра 2030 йилгача БМТнинг Барқарор Ривожланиш мақсадларига эришишлари учун ривожланаётган мамлакатлар йилига 3,3 – 4,5 трлн. АҚШ доллари миқдорида (ижтимоий инфратузилма билан бирга таълим ва соғлиқни сақлаш) инфратузилмага инвестицияларни амалга ошириши зарур эканлигини қайд этади[3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар қаторида таълим, соғлиқни сақлаш ва илмий тадқиқотлар учун давлат томонидан йўналтирилаётган маблағлар миқдорини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, ушбу тадқиқот доирасида ўз хулосалари шакллантирилган қатор олимларнинг фикрларини ўрганиш ҳам мақсад мувофиқ, деб ўйлаймиз.

У.Петти ҳам ўзининг назариясида бойликнинг манбаи сифатида пулни эмас, балки меҳнатнинг омилини ажратиб кўрсатади. Зотан, мазкур концепциянинг туб негизида инсон капитали ёрдамида яратиладиган янги қўшилган қийматнинг вужудга келиши борасидаги ғояни илғаш мумкин.

А.Смитнинг ҳам назарияларида инсон капиталининг таъсири натижасида иқтисодий ўсишга шароит яратилиши ҳақидаги ғоялар шаклланган. У ўзининг асарида меҳнат ёрдамида ишлаб чиқаришнинг ортиши биринчидан ишчининг ҳаракатчанлиги ва билимига, сўнгра у ишлатадиган машина ва воситаларнинг замонавийлашуви билан чамбарчас боғлиқ эканлигини қайд этади.

Фикримизча, иқтисодий қиймат яратишнинг энг муҳим омили тарихда ҳам олимлар томонидан тадқиқ этилган ва хулосалар шакллантирилган. Уларнинг хулосаларида дастлаб иқтисодий қиймат сон жиҳатдан инсон капиталига боғлиқ дейилган бўлса, кейинчалик сифат босқичи тўғрисида фикрлар баён этилган. Ваҳоланки, инсон капиталига йўналтирилган инвестиция мазкур инвестиция қийматига тенг бўлган қийматни эмас, балки ундан бир неча баробар катта бўлган қийматни яратиши лозимлиги масаланинг негизини очиб беради.

Умуман олганда, дастлаб инсон капитали категориясини ишлаб чиқариш омили сифатида Т.Шульц илмий тадқиқотлар доирасига олиб кирган. Унинг иқтисодий ўсиш фақатгина техника тараққиёти ва меҳнатнинг ишлаб чиқариш

ҳажмининг ошиши билан эмас, балки бошқа омиллар билан боғлиқ деган фикрини пайдо бўлишига олиб келган. Унинг Г.Беккер билан бирга тадқиқотларида жамиятнинг ишлаб чиқариш қийматининг ортиши ижтимоий (таълим, соғлиқни сақлаш, оилани режалаштириш ва жиноятчилик каби) институтларнинг фаолияти билан боғлиқлиги асослаб берилади.

Бундан кўринадики, фикримизча, АҚШда таълим ва соғлиқни сақлашга қилинаётган инвестициялар кўламининг ривожланиши АҚШ инсон капитали категориясининг вужудга келишининг ватани ҳисобланиши ва ушбу даврларда мазкур соҳаларнинг пуллик шакллариининг пайдо бўлиши билан изоҳланади.

Инсон капиталига ёндашувлар ва иқтисодий ўсиш

Академик С.Гулямов ва проф. Б.Ғойибназаровлар “Инсон капитали инсоннинг даромад келтирадиган қобилятидир” дея таърифлайди. Шу нуқтаи назардан улар инсон қобиляти инсон капиталининг асосини ташкил этишини қайд этишади[4].

Ж.Грейсон, К.Одейллар ўзларининг тадқиқотларида инсон капиталининг аҳамияти ҳақида қуйидаги хулосага келдилар: Заводлар, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш захиралари эмас, балки айнан инсон капитали рақобатбардошликнинг, иқтисодий ўсиш ва самарадорликнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади, деб таъкидлайди[5].


Е.Салихова ўзининг тадқиқотида инсон капиталининг ривожланиши шароитида технологик тараққиётнинг шаклланишига урғу беради. технологик тараққиёт(уклад)ларнинг ривожланиш босқичларини 1780 йилдан 2040 йилгача бўлган даврда олти та босқичга ажратган ҳолда асослаб беради. Шу билан бирга, инсон капитали ривожланишининг натижасида еттинчи технологик укладнинг пайдо бўлишини 2030 йилдан бошлаб юзага келишини қайд этиб, хомашё (нефть, газ ва ҳ.к.) кабиларнинг дунё бўйича айланмаси триллион АҚШ долларини ташкил этсада, лекин юқори технологиялар ва йирик илмий сиғимлик маҳсулотлар айланмаси уларга нисбатан бир неча баробар катта бўлаётганлигини кўрсатиб беради. Мазкур тенденцияларнинг 39 фоизи АҚШга, 30 фоизи Японияга ва 16 фоизи Германияга тегишли эканлигини қайд этиб ўтади. Инсон капиталига асосланган ҳолда технологик тараққиётнинг юзага келишини қуйидаги омиллар билан боғлиқ деб ҳисоблайди[6]:

- янги технологияларнинг пайдо бўлиши;
- инсон капиталига инвестицияларнинг ошиши;
- билимларнинг ошиши;
- касб-ҳунар таълимининг такомиллашуви;
- илмий тадқиқотларнинг ихтисослашуви;
- умр кўриш давомийлигининг ортиши;
- иқтисодий ва сиёсий эркинликнинг ортиши;
- сифат ва самарадорликнинг ошиши;
- урбанизациянинг жадаллашуви ва шаҳарлар ролининг ортиши;
- иқтисодий самарадорликнинг ортиши;
- сиёсат, дин, оила ва маданиятдаги ижобий даврлар.

Д.Д.Рустамова ўзининг тадқиқотида инсон капитали - бу инсон эга бўлган билим, кўникма ва қобилиятлар йиғиндиси билан бирга малака ва қобилиятлар захираси ҳисобланади, деб таъкидлайди. Инсон капиталига инвестициялар – меҳнат унумдорлигини ошириш учун қўлланилган ихтиёрий чора, йўл ва қарорлар йиғиндисидир. Инсон капиталига инвестицияларни уч турга ажратади, улар таълимга харажатлар, соғлиқни сақлаш харажатлари ва ҳаракатчанлик харажатлари[7].

А.В.Артемьев ўзининг тадқиқотида инсон капиталининг иқтисодий ўсишга бўлган таъсири ҳақида тўхталиб ўтади ва уни баҳолашнинг тўртта босқичини ажратиб кўрсатади: биринчи босқичда, инсон капиталининг шакллантириш жараёнини режалаштиришни баҳолаш; иккинчи босқич, меҳантни рағбатлантириш тизимини баҳолаш; учинчи босқич, янги ходимларни ишга мослашишини баҳолаш ва таҳлил этиш; тўртинчи босқич, иқтисодий ўсиш жараёнида инсон капиталининг трансформациялашувини таҳлил қилиш[9].

Фикримизча, иқтисодий ўсишни таъминлаш жараёнида инсон капитали муҳим омил сифатида гавдаланади. Жумладан, у мавжуд информацияларни қайта ишлаб ушбу маълумотларни ўзининг тажрибаси асосида инновацияларга айлантиради ва ўз навбатида техника тараққиётига шароитлар яратади (1-расмга қаранг).



1-расм. Техникавий укладнинг шаклланиши (Муаллиф ишланмаси)

Шу билан бир қаторда, инсон капиталига қилинган инвестицияларнинг аҳамияти борасидаги тадқиқотлардан ташқари унинг омиллари алоҳида ҳолатларда ҳам таҳлил этилган.

Таълим соҳасини молиялаштириш ва иқтисодий ўсиш

Д.Х.Вахобова мақоласида интеллектуал капиталнинг шаклланишида алоҳида характерларини ажратиб кўрсатади[8]:

- замонавий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш тенденцияларини капиталнинг айнан шу шакли белгилаб беради;
- интеллектуал капитални шакллантириш инсоннинг ўзидан ва бутун жамиятдан етарли даражада ва доимий ўсиб боровчи харажатларни талаб қилади;
- интеллектуал капитални жамғариш билим, кўникма, малакаларни доимий ошириб бориш асосида амалга оширилади;
- интеллектуал капитални жамғариб бориш жараёнида унинг иқтисодий самараси ошиб боради.

Шу билан бирга, тадқиқотчи қуйидаги хулосани келтириб ўтади: “Умумжаҳон банки ҳамда БМТнинг ривожланиш дастури маълумотларига кўра, ҳозирги кунда сайёрамизнинг жисмоний капитали, бошқача қилиб айтганда йиғилган материал бойликлар умумий бойликларнинг 16 %инигина ташкил қилади, табиий бойликлар 20 фоизни, инсон капитали эса ёки инсониятга инвестиция қилинган қўйилмалар 64 фоизни ташкил қилади (кўпгина ривожланган давлатларда 80 % гача)”.

Б.Б.Мардонов ўзининг мақоласида иқтисодий ўсишни таъминловчи омилларга эътиборни қаратади. Унга кўра, иқтисодий ўсишнинг 10-12 фоиз атрофида бўлиши ва йирик миқдорда ишчи ўринларининг яратилиши аҳолининг турмуш даражасига таъсир этмайди деган хулосага келади. Мазкур ҳолатни, хорижий тажрибалар орқали асослашга ҳаракат қилади, жумладан, Буюк Британия ёки Япония давлатларидаги иқтисодий ўсиш охириги ўн йилликда 1-1,2 фоиз атрофида бўлганлигини қайд этади[10].

Х.Риндерманн, М.Сейлер ва Ж. Томпсонлар ўзларининг тадқиқотларида ижтимоий тараққиётнинг омилларига эътибор қаратиб, унда ақл ва билимга асосланган омилни алоҳида тадқиқ этишади. Уларнинг хулосасига кўра, халқнинг (IQ, intelligence quotient – интеллект даражаси) интеллект даражаси коэффициенти бир пунктга ошиши ЯИМнинг киши бошига 229 АҚШ долларига, энг юқори интеллект эгаларининг 5 фоизи доирасида эса 468 АҚШ долларига ортишини асослаб берганлар[11].

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш ва иқтисодий ўсиш

Блум ва Кенинг ривожланаётган мамлакатлардаги тенденцияларни таҳлил этиб, ўртача умр кўришнинг ўсиши 5 йилдан ортиқ бўлган мамлакатларда ўртача даромад 0,3 фоиздан 0,5 фоизгача кўпроқ бўлишини асослаб берган. Улар инсон капитали ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилади, ўз навбатида таълим, иш тажрибаси ва соғлиқни сақлаш омилларини мустақил ўзгарувчилар сифатида танлаб олади. Натижада, ўртача умр кўриш миқёсининг таъсири нисбатан юқори бўлиб чиқади, жумладан ўртача умр кўришнинг 1 йилга узайиши миллий ишлаб чиқаришни 4 фоизга ошишига олиб келишини асослаб берадилар[12].

Блум ва Маланейлар томонидан 1965-1990 йилларда 78 мамлакатдаги ўлим кўрсаткичларининг тенденцияларини таҳлил қилиб, ўртача умр кўриш 70 ёшдан 65 ёшга тушганда ЯИМ ўсиши ўртача 1,8-2,7 фоиз атрофида пасайиш кузатилади. Ушбу тадқиқот жараёнида ўртача умр кўриш даражасини шаклланишида соғлиқ, таълим олиш даври, табиий ресурсларнинг камайиши, ҳукумат жамғариши ва географик жойлашув каби омиллар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади[13].

Риверия ва Курраизлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда иқтисодий ўсишга ИХРТ (OECD) мамлакатларида 1960-1990 йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган харажатлар тенденцияси таъсири остида шаклланишига таъсирини тадқиқ этган. Уларнинг хулосасига кўра, инсон капиталини шакллантирувчи таълим тизими унинг иқтисодий ўсишга таъсир этувчи ягона омил эмаслигини қайд этиб ўтади[14]. Бхаргава томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра ҳам соғлиқни сақлаш ва иқтисодий ўсиш ўртасида ижобий боғлиқлик бор эканлигини аниқлаб беради. Хусусан, у 1965-1990 йиллар бўйича 92 давлат тенденцияларини баҳолаган[15].

К.Пейкаржон, Р.Голлу ва Р.Шахриварлар томонидан МДХ (Ўзбекистон) мамлакатларида 2001-2009 йилларда соғлиқни сақлаш ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этадилар. Уларнинг хулосасига кўра ўрта ёшдагиларнинг ўртача умр кўриши билан иқтисодий ўсиш ўртасида ижобий боғлиқлик мавжудлигини қайд этади. Жумладан, реал ЯИМ, ЯИМга нисбатан

инвестициялар, иқтисодиётнинг очиклиги, ёшларнинг ўртача умр кўриши, fertility rate каби кўрсаткичларини иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилади. Ўз навбатида, иқтисодиётнинг очиклиги ва инвестициялар иқтисодий ўсишга таъсир этмайди деган хулосага келадилар[16].

С.Бедир иқтисодий ўсиш ва соғлиқни сақлаш тизимида қилинаётган харажатларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлашга ҳаракат қилган. Жумладан, у Жаҳон Банки маълумотлари асосида Европа, Африка ва Осиёнинг ўрта шарқ мамлакатларининг 1995-2013 йиллардаги ривожланиш тенденциялари асос қилиб олинган. Унга кўра, Чехия ва Россия мамлакатларида мазкур икки кўрсаткич ўзаро алоқадорликда бўлса, Греция, Польша, БАА, Хитой, Индонезия ва Корея давлатларида иқтисодий ўсишнинг соғлиқни сақлаш тизими харажатларига таъсири кузатилган бўлса, Филиппин, Жанубий Африка ва Венгрия давлатларида соғлиқни сақлаш тизими харажатларининг тенденцияси иқтисодий ўсишга шароит яратаётганлигини кўриш мумкинлигини асослаб беради. Умуман олганда, бу икки кўрсаткич ўртасида узвий моҳиятга эга бўлган боғлиқлик мавжуд эканлигини қайд этиб ўтади[17].

Олиб борилган тадқиқотлар асосида таъкидлаш мумкинки, инсон капитали иқтисодий ўсишга шароитлар яратиши билан бирга, ўзи ҳам бир трансформацион ҳолатларни босиб ўтади. Бунда инсон ўз соғлиги ва таълим олишига қилган инвестициялари натижасида ўз капиталининг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқишига имкониятлар туғилади (2-расмга қаранг).



2-расм. Инсон капиталининг ривожланишининг босқичлари
Манба: Муаллиф ишланмаси

Тадқиқот методологияси

Фикримизча, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар иқтисодиётнинг ҳар бир бўғинида ўз аксини топади. Ўз навбатида, ҳозирги кунга қадар амалга оширилган тадқиқотларда иқтисодий ўсишга ижтимоий соҳа харажатларининг таъсири таҳлили ўзбекистонлик олимлар томонидан кам эътибор берилган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур тенденцияни баҳолаш ижтимоий соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларга тегишли тавсияларни ишлаб чиқишга шароит яратиб беради.

Қайд этиш лозимки, 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Мазкур фармонда 5 та устувор йўналиш мамлакатимиз учун ривожланишнинг муҳим стратегияси сифатида қайд этилди. Жумладан, учинчи

ва тўртинчи устувор йўналишлар сифатида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш, деб номланди.

Шу боисдан, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг молиявий таъминлашнинг долзарблиги ушбу стратегия ҳамда тадқиқотда асосланган таъсир даражаси орқали янада муҳимликни акс эттиради.

Юқорида келтириб ўтилган хулосалардан келиб чиққан ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг ривожланиш тенденциясига таъсир этувчи омилларни регрессион таҳлил орқали баҳолашимиз мумкин.

Ўзбекистонда 2008-2016 йилларда ЯИМнинг ўсиши унга таъсир этувчи икки гуруҳга ажратилган омиллар ёрдамида таҳлил қилинганда ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағларнинг таъсири катта бўлаётганлигини кўриш мумкин. кўп омилли регрессион таҳлил ўтказилганда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган маблағларнинг натижасида ЯИМнинг ўсиш ҳажми сезиларли ўзгараётганлигини кўриш мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ, давлат бюджети ва инвестицияларнинг ривожланиш тенденциялари, млрд. сўмда

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ялпи ички маҳсулот жумладан, фоизда ўсиши	38969,8	49375,6	62388,3	78764,2	96589,8	118986,9	144867,9	171369	199 325,10
	109	108,1	108,5	108,3	108,2	108	108,1	108	107,8
Давлат бюджетининг соҳалар бўйича харажатлари ва уларнинг ЯИМдаги улуши (фоизда)									
Таълим ЯИМдаги улуши, %	2469,1	3332,7	4644,1	5582,9	7130,4	8803,2	10673,5	12162,2	13744
	6,3	6,7	7,4	7,1	7,4	7,4	7,4	7,1	6,9
Соғлиқни сақлаш ЯИМдаги улуши, %	934,1	1259,8	1716,5	2226,7	3024,9	3709,9	4507,2	5218,5	5861,4
	2,4	2,6	2,8	2,8	3,1	3,1	3,1	3,0	2,9
Асосий капиталга инвестициялар унинг ЯИМдаги улуши (фоизда)									
Инвестициялар ЯИМдаги улуши, %	9555,9	12531,9	15338,7	17953,4	22797,3	27553,3	33715,3	40737,3	49 476,8
	24,5	25,4	24,6	22,8	23,6	23,2	23,3	23,8	24,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда ЯИМнинг ривожланиш тенденциясини унга таъсир этувчи омилларни қуйидаги икки гуруҳга ажратган ҳолда, ЯИМга таъсирини баҳолаймиз:

1. Бюджетнинг ижтимоий соҳа харажатлари.

- таълим харажатлари;
- соғлиқни сақлаш харажатлари;
- фан харажатлари.

2. Асосий капиталга қилинган инвестициялар (марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар, марказлашган инвестицияларни танланган йилларнинг баъзиларида алоҳида ажратиб кўрсатилмаганлиги учун икки (хусусий ва давлат) манбадан амалга оширилган инвестициялар ажратилмади).

Биз танлаб олган давр 9 йилни ташкил этиб, регрессион таҳлилда ҳам кузатишлар сони 9 тани ташкил этади. Жадвал маълумотларидан фойдаланиб кўрсаткичларни қуйидагича белгилаб оламиз:

X1 - таълим харажатлари ҳажми;

X2 – соғлиқни сақлаш харажатлари ҳажми;

X3 – асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажми;

Y – ЯИМнинг ҳажми.

Амалга оширилган таҳлил натижасида биз қуйидаги формулага эга бўламиз (2-жадвалга қаранг):

$$y = 2568,1 + 2,24x_1 + 9,82x_2 + 2,22x_3 \quad (1)$$

Детерминация коэффиценти эса, $R^2 = 0,9995$ бўлса, тартибга солувчи детерминация коэффиценти $\overline{R}^2 = 0,9992$ га тенг.

Ҳақиқатдаги Фишернинг F-мезон кўрсаткичи 3597,3 га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич белгиланган мезон (3,44) дан катта ҳисобланади. Шу билан бирга, b_1 , b_2 ва b_3 коэффицентлар ўзларининг ишончли оралиғида жойлашган бўлиб, коэффицентлар регрессия параметларининг ишончли интервали орасида қуйидагича жойлашади:

1) $-8,56 \leq b_1 \leq 13,05$ (2).

2) $-13,33 \leq b_2 \leq 32,99$ (3).

3) $1,40 \leq b_3 \leq 2,97$ (4).

Мазкур боғланишнинг эса ушбу баҳоланишларидан сўнг биз ушбу таҳлилнинг моҳиятга эга эканлигини ўзида ифода этишини қайд этишимиз мумкин (2-жадвалга қаранг).

ЯИМнинг ўзгаришига ижтимоий соҳа харажатлари ва асосий капитал инвестициялар таъсирининг кўп ўзгарувчи регрессион таҳлили

Натижалар

<i>Регрессион статистика</i>	
Множественный R	0,999768
R-квадрат	0,999537
Нормаллашган R-квадрат	0,999259
Стандарт хатолик	1524,366
Кузатиш	9

Дисперсион таҳлил

	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>F аҳамияти</i>
Регрессия	3	2,51E+10	8,36E+09	3597,324	9,4E-09
Қолдиқ	5	11618466	2323693		
Жами	8	2,51E+10			

	<i>Коэффициенты</i>	<i>Стандарт хатолик</i>	<i>t-статистика</i>	<i>P-аҳамият</i>	<i>Қўйи 95%</i>	<i>Юқори 95%</i>	<i>Қўйи 95,0%</i>	<i>Юқори 95,0%</i>
Ҳ-кесишувчи	2568,106	2353,593	1,091143	0,324977	-3482	8618,209	-3482	8618,208589
Таълим харажатлари	2,248766	4,204839	0,534804	0,615703	-8,56012	13,05765	-8,56012	13,05764838
Соғлиқни сақлаш харажатлари	9,829937	9,012257	1,09073	0,325143	-13,3368	32,99668	-13,3368	32,99668068
Асосий капиталга инвестициялар	2,192974	0,305629	7,175271	0,000818	1,407329	2,97862	1,407329	2,978620079

Манба: 1-жадвал асосида MS Office Excel дастурида муаллиф томонидан тузилган.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган юқоридаги таҳлиллар натижасида, ЯИМнинг ўзгаришига ижтимоий соҳа харажатлари ҳам ва асосий капиталга инвестициялар ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказиши маълум бўлади.

Шу билан бирга, қуйидаги хулосалар шаклланади:

- таълим соҳасига қилинган бир-бирлик харажат ЯИМнинг 2,2 бирлик қийматга ўсишига замин яратди;
- соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган бир-бирлик харажат ЯИМнинг 9,8 бирлик қийматга ўсишига шароит яратиб берди;
- асосий капиталга қилинган бир бирлик харажат ЯИМнинг 2,2 бирлик қийматга ўсишига имконият ҳосил қилмоқда.

Умуман олганда, иқтисодий ўсишга эришиш борасида инвестицион фаолиятга эътибор бериш ҳам мақсадга мувофиқ. Хусусан, инвестициялар ҳажмида ижтимоий соҳани молиялаштиришга қаратилган маблағларнинг ҳажмини ошириш ҳам бу борадаги ишларни ўзида мужассам этади.

Қайд этиш лозимки, иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларни жалб этиш билан бирга, ундан самарали фойдаланиш учун инсон капиталини ҳам ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Юқоридаги таҳлил натижасига кўра, учта омилни ЯИМга таъсири ижобий бўлмоқда. Шу боисдан, мазкур омилларни ривожлантиришда тизимли шакллантириш хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги тадқиқотларга асосланиб қуйидаги тавсияларни амалга муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

- олий таълим муассасаларига тўловларни шакллантиришда уларга тўланадиган шартнома қийматларини уларнинг рейтингларига мувофиқлаштириш;
- тиббий хизматларни етказиб беришда хусусий молиявий манбаларнинг ўрнини ошириш;
- тиббий хизматларни бюджетдан етказиб берилишида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тамойилларини эътиборга олиш.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий соҳани молиялаштириш асосида иқтисодий ўсишнинг муҳим параметрларини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратилиши тадқиқотларда ўз аксини топмоқда. Шу боисдан, ижтимоий соҳани молиялаштиришда нафақат давлат бюджети маблағи балки, бюджетдан ташқари манбалар маблағларидан кенг фойдаланган ҳолда молиявий таъминлаш доимий зарура уйғотади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий сивилизатсия ривожига роли ва аҳамияти. 2014 йил 14-15 май кунларидаги халқаро конференциянинг очилишидаги маросимидаги нутқ. <http://press-service.uz> – сайтидан олинди. (мурожаат вақти: 14.09.2015)

2. Lucas R. E. Jr. On the mechanics of economic development//Journal of Monetary Economics, Vol. 22, 3-42, 1988.
3. The World Investment Report 2016: Investor nationality: Policy challenges. United Nations Conference on Trade and Development.
4. Гулямов С., Ғайибназаров Б. Интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш – тараққиёт таянчи//Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2014. - №1. – Б. 4-9.
5. Грейсон Ж., К.ОДейл Американский менеджмент на пороге XXI века. - Москва: Экономика, 1991. - С.196.
6. Салихова Е.В. Воздействие новые технологических укладов на развитие человеческого капитала: автореферат ... к.э.н. – ФГБОУ ВПО «СарГЭСУ». – Саратов, 2012. – С. 24.
7. Рустамова Д.Д. Инсон капиталига сарфланган инвестициялар самарадорлигин ошириш йўллари//Иқтисод ва молия. – Тошкент, 2015. -№1. –Б. 73-79.
8. Вахобова Д.Х. Интеллектуал капиталнинг инновацион иқтисодиёт рақобатбардошлигига таъсири//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. –Тошкент, 2016. -№3.
9. Артемьев А.В. Человеческий капитал как фактор экономического роста: автореферат ... к.э.н. – Казан, 2007, Российский Университет кооперации. – С.24.
10. Мардонов Б.Б. Иқтисодий ўсиш ва бандлик//Иқтисод ва молия. – Тошкент, 2015. - №1. – Б. 80-85.
11. Rindermann H., Sailer M., Thompson J. The impact of smart fractions, cognitive ability of politicians and average competence of peoples on social development // Talent Development & Excellence. 2009. Vol. 1. No.1. pp. 3-25.
12. Bloom, D., Canning, D. (2004). The Effect of Health on Economic Growth, a Production Function Approach, World Development, 32, 1-13.
13. Bloom, D., Malaney, P. (1998). Macroeconomic Consequences of the Russian mortality crisis. World Development 26, 2073-2085.
14. Rivera, B., Currais. L. (1999). Economic Growth and Health: Direct Impact or Reverse Causation. Applied Economics Letters, 6, 761-764.
15. Bhargava, A., Jamison, D. T. Lau. & Murray C. J. L. (2001b). Modeling the Effects of Health on Economic Growth. Journal of Health Economics 20(3), 423-44.
16. Peykarjou K., R.B. Gollu, H.P.Gashti, R.B. Shahrivar Studying the relationship between health and economic growth in OIC member states//Interdisciplinary Journal Of Contemporary Research In Business. December 2011, VOL 3, NO 8. Pp. 1041-1054.
17. Bedir S. Healthcare Expenditure and Economic Growth in Developing Countries// Advances in Economics and Business 4(2): 76-86, 2016.